

IPBOARD - ЭЛЕКТРОН ДОСКАЛАРИ ЁРДАМИДА

МУЛТИМЕДИАЛИ ДАРС ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Гиёсов У.Э., М.М.Каримов

ТАТУ Самарқанд филиали

Замонавий ахборот технологияларининг жадал тараққий этгани барча соҳалар сингари таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликларни жорий этиш заруриятини пайдо қилмоқда. Бугун дарсларни замонавий таълим воситалари ёрдамида ташкил этиш, турли инновацион усул ва методлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда мамлакатимизда қарийб барча таълим муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган. Шу билан бирга, ўқитувчи-мутахассисларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш малакасини ошириш ҳам диққат марказида турибди. Маълумки, ўқув жараёнидаги асосий масалалардан бири ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш, берилаётган билимларни тушуниш, хотирада сақлаш ва амалиётда қўллаш йўлларини егаллашни яхшилашдан иборат. Бу борада таълим соҳасида қўлланилаётган илғор ахборот технологиялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, интерфаол электрон доскалар ҳам таълим самарадорлиги таъминлашда кенг имкониятларга эга. Замонавий ахборот технологияларининг кўплаб имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мазкур мўжизакор доскалар оддий маркерли доскалар каби кўринишга эга бўлиб, уларда ёзилаётган ҳар бир матн, график кўриниш, чизма, жадвал кабилар тез суръатларда компьютер экранида пайдо бўлади. Электрон доскалар анъанавий доскаларга қараганда бир қанча афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради.

Жумладан, маълумотни таҳрирлаш кўламининг кенглиги, натижалардан нусха олиш, электрон почта орқали жўнатиш, компьютер хотирасида сақлаш имкониятларининг мавжудлиги унинг самарадорлигини таъминлайди. Шунингдек, мазкур доска орқали матн, товуш, анимация, графикалардан биргаликда фойдаланиш мумкин. Ўқувчи-талабаларнинг билим самарадорлигини ошириш, маълумотларнинг хотирасида узоқ муддат сақланишларини таъминлаш мақсадида виртуал аудитория яратиш имконияти мавжуд. Малумки, инсон маълумотларнинг 80 фоизини кўриш, 15 фоизига яқинини эшитиш ва қолган 5 фоизини сезги органлари орқали олади. Бироқ ҳаётда маълумотларни фақат қабул қилибгина қолмай, уни ёдда сақлаш ҳам керак.

Бугунги кунда электрон доскалар тобора такомиллаштирилиб, янгиликлар билан бойитилмоқда, имконият ва қулайликлари ошириб борилмоқда. Жумладан, интерактив доскалари бу борада янги босқични бошлаб берди, дейиш мумкин. Ҳозирги кунда инерактив доскалар бир қанча технологиялар бўйича ишлаб чиқарилади. Интерактив доска тингловчилар диққатини жалб қилишга ва мулоқатга киришиб кетишга замин яратади, иш жарёнига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда зарур вақтда маъруза, намоиш лойиҳаларини қоғозга чоп этиб тарқатиш имкониятини тақдим этади. Шунингдек, ишлаш жараёнида маълумотларни ҳар хил векторли ва растрли форматга ўтказиш, турли

дастурларда хужжатлар яратиш (PPT, BMP, GIF, JPEG, ICO, EMF, WMF, Microsoft Word, Excel, Power Point), фон режимидаги расмлар ўрнига бошқасини ўрнатиш, матнларни таҳрирлаш ёки тагига чизиш, уларни масофадан туриб белгилаш ва бажариш, мураккаб

масалаларни муваффақиятли визуаллаштириш имконини беради. Электрон доскаларни яратилиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 2002 йили Матт Мечам (Matt Mecham) ва Чарлес Уорнер (Charles Warner) томонидан илк бор яратган бўлиб, улар бу лойиҳа замирида кейинроқ бирқанча такомиллашган, янги кашф қилинган технологиялар имкониятларини ўзида мужассамлаштирган электрон доскалари - IPBOARD (InvisionPower Board)ни яратдилар. —Форумлар ўтказиш учун қулай доска деган маънони билдирувчи IPBOARD электрон доскаси орқали тақдирот дарсларини, семинар машғулоти ва назорат ишлари самарали ташкил этила бошланди. Бу доска экрани ёрдамида турли масала ва лойиҳаларни режалаштириш, турли интернет сайтлари, юридик хужжатлар, графиклар ва бошқа маълумотларни яратиш мумкин. унунги кунда таълим тизимида самарали фойдаланиб келинаётган интерактив электрон доска русумларидан бири - IPBoard JL- 9000-85 Wi-Fi 2.4 ГГц радиоканали орқали компьютер ва электрон доска ўртасида симсиз

ўзаро алоқага киришиш имкониятига эга. Мазкур доска ёрдамида узоклиги 50 м гача бўлган масофада ишлашимиз мумкин. Бу доска билан реал вақт режимида исталган вақтда ишларни тезда бажариш имконини беради. (кувват батареялари ва частотасига қараб). Мазкур замонавий доскалар янги ўқув методларини амалда қўллаш ва ишлаб чиқишда қўл келиши аниқ. Шу биланбирга, доскалар ёрдамида янги ўқув материаллари мазмунини билиб олиш ва интеллектуал ўйинлар ўтказиш мумкин. Шунингдек, интерактив доскалардан бугунги кунда тобора ривожланиб, кенг тарқалиб бораётгани масофадан видеоконференциялар ташкил этиш тизимида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзида матнли

ахборотлар, файллар алмашиш имкони яратилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Рахматов М. Н. Информацион техника воситаларидан қўлланма. Тошкент. «Олий мактаб». 1989. 379 б.
2. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти.-Т.: 2008, 196 б.